



Бажарувчи ташкилотни танлоо олиш учун
ТАНЛОВ ХУЖЖАТЛАРИ
Танлов ҳужжатларининг мазмуни:

1. Танлов иштирокчилари учун йуриқнома
 2. Техник қисм
 3. Нархлар қисми
- ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИСИ УЧУН ЙУРИҚНОМА

1. ТАНЛОВ ПРЕДМЕТИ ВА ТАХМИННИЙ ҚИЙМАТИ

1. Танлов предмети. Каттақўрғон шаҳар Ободонлаштириш бошқармасига профел, тахта, кўшдан соя қиладиган сетка маҳсулотлари олиш.

1.2 Танловга қўйиладиган товарлар:

№	Қўчатлар номи	Улчов бирлиги	Мик дори	нархи	Суммаси
1	Затеняющая сетка плотность	кв/м	240	12500	3 000 000,00
2	80гр/м2 эни 6-м				
3					
	Жами				3 000 000

жами 3 000 000 (Уч миллион сум)

Ушбу қийматдан ортиқ қийматдаги таклифлар қабул қилинмайди ва куриб чиқилмайди.

2.2. Бажариладиган иш турлари техник топшириқ танлов ҳужжатларининг техник қисмда илова қилинган.

Ушбу танлов якунлари буйича ғолиб чиққан бажарувчи ташкилот билан шартнома тузилади.

2. ТАНЛОВ ТАШКИЛОТЧИЛАРИ

2.1. Каттақўрғон шаҳар ободонлаштириш бошқармаси (бундан кейин «Буюртмачи» деб аталади) – танлов ташкилотчиси ҳисобланади.

«Буюртмачи» манзили: Самарқанд вилояти Каттақўрғон шаҳар Умар хайём кўчаси 9 уй

2.2. Танлов «Буюртмачи» томонидан танловлар утказиш буйича тузилган Харид комиссияси томонидан утказилади.

2.3. Танлов Каттақўрғон шаҳар ободонлаштириш бошқармаси «Буюртмачи» томонидан тузилган Харид комиссияси томонидан қонунда белгиланган тартибда, белгиланган муддатларда утказилади.

3. ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИЛАРИ

3.1. Танловда мулкчилик шаклида қатъий назар шу мазмунда иш ва хизматлар курсатишга ихтисослашган, қаидада 1 йил тажрибага эга булган барча юридик макомга эга булган ташкилотлар иштирок этиши мумкин.

3.2. Танловда иштирок этиши учун талабгорларга қуйидаги малакавий талаблар қуйилади:

1) Бажарувчи қорхона таклиф билан бирга қорхона ретинги, қорхона гувоҳномаси, раҳбарнинг буйругидан қўчирма, раҳбарнинг паспорт нусхасини тақдим қилиши лозим. Маҳсулот расми параметрлари хақида маълумот

2) Ҳисоб рақаида маҳсулотлар қийматининг 30% миқдорида маблағ мовжудлиги тўғрисида банкдан тасдиқланган маълумот ҳамда товарларга 2 йиллик қафолат. Агар шу муддат ичида нуқсон чиқса ўрнига тенг миқдорда етказиб берувчи ҳисобидан сифатлисига алмаштирилади.

3) Банк қарздорлиги мавжуд эмаслиги, қўшилган қиймат солиғи тўловчиси бўлса, унинг гувоҳномаси фаоллиги. Солиқлар ва йиғимларни тўлаш буйича муддати ўтган қарздорлиқнинг мавжуд эмаслиги. Эълон жараёнида булган давр ҳолатига солиқ қарздорлиги мавжуд эмаслиги тўғрисидаги repository.soliq.uz дастуридан олинган штрих кодли маълумот ва инсофсиз иштирокчилар рўйхатида бор-йўқлиги тўғрисида маълумот тақдим қилиши.

4) Ишчи ходимлар тўғрисида маълумот қаидада 4 та ходим (Ф.И.Ш паспорт, шу.мехпат.издан меҳнат дафтарча электрон ва буйрук нусхалари) ва транспорт воситалари, асосий воситалар ва асбоблар (ТМЗ) рўйхати тасдиқланган (балансда ёки ижара шартномаси, агар ижара шартнома булса 50% балланади);

5) Молиявий қўрсаткичлари (охирги 1 йиллик баланс, ф-2 ва молиявий натижа ҳамда охирги ойлик ҳисоботлари) ўзига нисбатан жорий этилган банкротлик тартиб-таомилларининг мавжуд эмаслиги.

6) охирги 1 йил ичида ва х/р айланмасида шу ва шунга ухшаш товарлар олди сотти билан ёки ишлаб чиқариш билан шугулланганлиги (баланс, дт/кт, ф-2. сч /фактура)

3.3. Агар танлов предмети булган ишлар (хизматлар)ни бажариш билан боғлиқ фаолият қонунчиликка биноан лицензиялаштириши зарур булса танловда иштирок этиш учун белгиланган тартибга мувофиқ тегишли лицензияга эга булган талабгорларга руҳсат этилади.

3.4. Қуйидаги талабгорларга танлов жараёнларида иштирок этишга руҳсат берилмайди:

Қайта ташкил этилиш (ажратилиши, қушилиш), тугатиш ёки банкротлик арафасида турганлар; мол-мулки мусодара қилинганлар, ҳамда муассислик келишув, молиявий иштирок, холдинг ва бошқа шаклда ифодаланган бевосита ташкилий –ҳуқуқий ёки бир бирига молиявий қарамлиги мавжудлар.

4. ТАНЛОВДА ИШТИРОК ЭТИШ УЧУН ТАШКИЛОТЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТИШ

4.1. Иштирокчилар ўз таклифларини электрон қўрғинида (etender.uzex.uz) порталига электрон танловлар ўтказиш учун жойлаштирилиши лозим.

4.2. Танлов учун таклифлар ва унга тегишли иловалар ва ҳужжатлар, маълумотлар «Буюртмачи» ва «Иштирокчи» ўзбек тилида тақдим қилиниши лозим.

4.3. Куйидаги ҳужжатлар тўлиқ бўлиши талаб этилади:

- Техник таклиф, Фирменни биланкада имзоланган, номерланган ва мухирланган ҳолда;
- Техник ҳужжатлар руйхати (брошуралар, техник паспортлар ёки ўқшаш ҳужжатлар руйхати илова қилинади);

4.4. Танлов иштирокчиси:

- Фақат битта таклиф бериши мумкин;
- Такдим этилаётган ҳужжатларнинг ҳақиқийлиги ва маълумотларнинг ҳаққонийлигига тўлиқ жавобгар бўлади;
- Таклиф бериш муддати тугагунга қадар ўз таклифларини қайтариб олиш ёки ўзгартириш киритиш ҳуқуқига эга.

5. ТАКЛИФЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТИШ МУДДАТИНИ УЗАЙТИРИШ

- 5.1. Харид комиссияси танлов учун таклифларни қабул қилиш муддатини барча иштирокчилар учун таълуқли ҳолда элон қилинган муддатдан яни 5 календар кунга узайтирилиши мумкин.
- 5.2. Таклифлар муддатини узайтирилиши фақат харид комиссияси йиғилиши қарори асосида амалга оширилади.
- 5.3. Танлов муддатини узайтириш тўғрисидаги қарор махсус ахборот порталида жойлаштирилиши лозим.

6. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

- 6.1. Давлат харидлари тўғрисидаги Қонун талабларини бузган шахслар қонунчиликда белгиланган тартибда жавобгар бўлалар.
- 6.2. Харид комиссияси давлат харидлари бўйича қонунчиликда белгиланган тартибда ғолиб иштирокчиларни аниқлаш ва асосланган қарор қабул қилиш бўйича мажбурдир.
- 6.3. Танлов иштирокчиси такдим этилган барча ҳужжатларни ҳақиқийлиги ва тўғрилигига жавобгардир. Ғолиб иштирокчи деб топилгандан сўнг қонунчиликда белгиланган тартибда давлат буюртмачиси билан ўрнатилган тартибда ва муддатларда шартнома тузишга мажбурдир.

7. БОШҚА ШАРТЛАР

- 7.1. Давлат буюртмачиси танлов ҳужжатларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида танловда иштирок этиш учун таклиф бериш муддати тугаган санадан камидан уч кун олдин қарор қабул қилишга ҳақли. Товари (ишни, хизматни) ўзгартиришга йўл қўйилмайди. Бунда ушбу танловда таклифлар бериш тугайдиган муддат танлов ҳужжатларига ўзгартиришлар киритилган санадан эътиборан камидан ўн кунга узайтирилиши керак. Шу билан бир вақтда агар эълонда кўрсатилган ахборот ўзгартирилган бўлса, танлов ўтказиш тўғрисида эълонга ўзгартиришлар киритилади.
- 7.2. Танлов иштирокчиси танлов ҳужжатлари қондаларини танлов ўтказиш учун эълонда белгиланган шаклда тушунтириш талаби билан давлат буюртмачисига

сўров юборишга ҳақли. Сўров келиб тушган санадан эътиборан икки иш куни ичида давлат буюртмачиси, агар мазкур сўров давлат буюртмачисига таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан камидан икки кун олдин келиб тушган бўлса, ушбу сўровга белгиланган шаклда жавоб юбориши шарт. Танлов ҳужжатларининг қондаларига доир тунунтиришлар уларнинг мазмун-маҳиятини ўзгартирмаслиги керак.

- 7.3. Таклифларни кўриб чиқиш ва баҳолаш баённомаси харид комиссиясининг барча аъзолари томонидан имзоланади ҳамда ундан олинган кўчирма у имзоланган кундан эътиборан уч иш куни ичида махсус ахборот порталида эълон қилинади.
- 7.4. Танловнинг исталган иштирокчиси таклифларни кўриб чиқиш ва баҳолаш баённомаси эълон қилинганидан сўнг давлат буюртмачисига танлов натижаларига доир тушунтиришларни такдим этиш тўғрисида сўров юборишга ҳақли. Давлат буюртмачиси бундай сўров келиб тушган санадан эътиборан уч иш куни ичида танлов иштирокчисига тугишли тушунтиришларни такдим этиши шарт.
- 7.5. Танлов натижалари бўйича шартнома танлов ҳужжатларида ва ўзи билан шартнома тузилаётган танлов иштирокчиси томонидан белгиланган таклифда кўрсатилган шартлар асосида тузилди.

Комиссия раиси:

1. Бахриев Нурали Алишерович

Аъзолари

2. Увайтов Анвар Ботирович—техника хавсизлиги муҳандиси-
3. Носиров Ақром Қўчимович- бўлим бошлиғи-
4. Шомаматов Зухриддин Баҳридинович—Бош ҳисобчи
5. Мардиқулов Эркин Суъонович—Омбор мудир
6. Салоҳиддинов Жамолiddин Хабиб ўғли—техник назоратчи

